

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 5 сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Кодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

#### ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д. проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н. доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** [Н.Юсупов](#), [Г.Акмалжонова](#)

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



chiroyli ta'rif berib o'tadi adabiyotshunos olim Begali Qosimov o'zining "Umming mazmuri" nomli maqolasida. Ushbu maqola professor, adabiyotshunos olim G'ulom Karimov haqida edi.

"Begali Qosimov chavandoz, voleybolchi, odamoxun inson edi. Uning tabiatida chapdastlik bor edi. U ilmda o'zi bilan yonma-yon borayotgan odamga tan berardi. Bordi-yu yonidagi odam xom, chala, g'irrom bo'lsa, Begali ayab o'timasdi, tishli-timoqli maqola bilan raqibi surobini to'g'irlab qo'yardi"[2.237], – deb ta'rif beradi filologiya fanlari nomzodi, dotsent Umurzoq O'ljaboyev.

Begali Qosimovning o'zi adabiyotimiz uchun bir yutuq, bir mukofot edi. Negaki, uning adabiyot sohasidagi xizmatlari beqiyos. Jadid adabiyotini mukammal o'rgangan, zamonaviy adabiyot haqida muhim va dolzarb fikrlar bildirgan, o'z ishining haqiqiy ustasi edi. Begali Qosimovning maqolalarida ilmiylik va hayotiylik yonma-yon turadi. Maqolani ilmiy jihatdan tahlil qilayotganda o'z xotiralarini ham kiritib o'taveradi, atamalarga ham ilmiy jihatdan mukammal ta'rif beraveradi. Shu sababli ham uning maqolalari tushunilishi oson, ilmiy jihatdan qimmatli manbaa bo'lib qolmoqda. Begali Qosimovning jadid adabiyoti, matnshunoslik, manbashunoslik, darsliklar yaratishdagi, shuningdek zamonaviy adabiyotga xolisona baho berishdagi xizmatlari berihoya kattadir. Uning butun bir ijodiy faoliyati adabiyotimiz uchun ham yaxshigina xazina bo'la oladi. Ushbu xazinadan bahramand bo'lish yosh adabiyotshunoslarning barchasi uchun adabiyot sohasidagi anchagina bilimga ega bo'lish demakdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. "So'nggi Jadid" qissasi. Begali Qosimov zamondoshlari xotirasida. – T.: Turon iqbol, 2012
2. O'ljaboyev U. Xotiraga ko'chgan umrlar. – Guliston – 2012.
3. Qosimov B. Adabiy-tarixiy jarayon (3-jild). – T. 2017
4. Qosimov B. Milliy uyg'onish. – T.: Ma'naviyat, 2002
5. Qosimov B. Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyoti. – T.: Ma'naviyat, 2004
6. www.kh-davron.uz

#### **ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ТУШУНЧАЛАРИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ**

Убайдуллаев Шухрат Нарзуллаевич

Наманган давлат университети

Доцент

Баходиров Арибжон

Наманган давлат университети

Катта ўқитувчи

*Аннотация:* Ушбу мақолада тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатига қаратилган замонавий ёндашувлар масалалари ёритилган. Тил ҳар бир халқ маданиятининг энг муҳим элементларидан бири эканлиги, унинг этник ўзига хосликни сақлашдаги энг муҳим омил эканлиги кўрсатилган.

*Калит сўзлар:* миллий, маданият, тил, феномен, матн, интерференция, ўзаро ҳамкорлик.

#### **НАУЧНЫЙ ПОДХОД К КОНЦЕПЦИЯМ ЯЗЫКА И КУЛЬТУРЫ**



Убайдуллаев Шухрат Нарзуллаевич  
Наманганский государственный университет  
Доцент  
Баходиров Арибжон  
Наманганский государственный университет  
Старший преподаватель

**Аннотация:** *Статья посвящена освещению современных подходов на проблему взаимодействия языка и культуры. Показано, что язык является одним из важнейших элементов культуры любого народа, что он является важнейшим фактором сохранения этнического самосознания.*

**Ключевые слова:** *национальный, культура, язык, феномен, текст, интерференция, взаимодействие.*

#### SCIENTIFIC APPROACH TO THE CONCEPTS OF LANGUAGE AND CULTURE

Ubaydullayev Shuxrat Narzullayevich  
Namangan State University  
doctent  
Baxodirov Aribjon  
Namangan State University  
Senior teacher

**Abstract:** *The paper covers modern approaches to the problem of interaction between language and culture. It shows that language is one of the most important elements of the culture of any nation, that it is an important factor in the preservation of ethnic identity.*

**Keywords:** *national, culture, language, phenomenon, text, interferenz, interaction..*

Психологик тадқиқотлардан маълумки, шахс фаолиятда ва мулоқотда шаклланади, ўргатиш/ўрганиш объекти эса нутқий фаолият ҳисобланади. Таълим жараёнида бир пайтнинг ўзида тил ва маданиятни ўзлаштириш коммуникатив методиканинг асосий методологик концепциясидир.

Чет тил ва маданият яхлит тарзда ўргатилиши қоидалаштирилганлиги туфайли маданиятлар интерференцияси муаммоси пайдо бўлди. Бу маданиятлар диалоги назариясида муҳокама предметга айланди. Бинобарин, бегона ва ўз тили ва маданияти материалда маданиятлараро тафовутларга алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи вужудга келди. Маданиятлар номутаносиблигини бартараф қилиш мақсадида, лисоний (семантик) қиёслашдан ташқари, концептор (концептуал эмас) муқоясага зарурият тупилди, яъни муайян концепт лингвокультурологик мундарижаси тарқибдаги сўз, сўз бирикмаси, гап (жумла) ва матн/дискурсларнинг маданий мазмун-моҳияти ҳар бир халқнинг борлиқни тил воситасида тасаввур қилиш (Ю.С.Степанов терминологиясида *языковая картина мира*: Константы: Словарь русской культуры. Опыт исследования. - Москва, 1997) хусусиятлари очиб берилиши мақсадга мувофиқдир. Шу маънода ўрганилиши чет тил ва она тилида мавжуд хос билимлар (*русча* фоневые знания)ни фарқлаш керак бўлади.



Тил ва маданият муносабати мураккаб, жуда қийин ва кўп томонлама муҳокама талаб қиладиган масала ҳисобланади. Тил ва маданиятни тадқиқ этиш, эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб этади. Улар тадқиқига эътиборсизлик, бу икки турдаги семантик тизимни ягона қолига тушуриб қўйиши мумкин. Бироқ, бу икки тизимнинг ўзаро ўхшаш, умумийлик томонлари мавжудлигини эсдан чиқармаслик керак. В.Н.Телия бундай умумийликни қуйидагиларда кўради: 1) маданият, худди тил сингари, инсон дунёқарашини ўзида акс эттирувчи онг шаклидир; 2) тил ва маданият ўзаро муносабатда, мулоқотда бўлади; 3) тил ва маданиятнинг субъекти – бу доимо индивид ёки ижтимоий гуруҳ – жамоа шахс ёки жамият; 4) меъриёлик (норма) тил ва маданият учун умумий хусусиятидир; 5) тарихийлик – тил ва маданиятнинг муҳим хусусиятидир; 6) тил ва маданиятга “динамика ва статика” қарама-қаршилиги бир хилда ҳосилдир (Телия В.Н. Русская фразеология. –М.: 1996. – 226 с.).

Тил ва маданият ўртасидаги умумийлик, ўхшашлик қанчалик даражада бўлмасин, уларни фарқловчи хусусиятлар ҳам етарлидир.

Маданият ҳам белгилар тизимидир, аммо ушбу система тил тизимидан фарқли тарзда, ўз-ўзидан тартиблашиш, тизимлашиш хусусиятига эга эмас.

Тил барча учун бир хил вазифа бажарувчи “жамоавий адресатли” ҳодиса бўлса, маданиятда эса кўпроқ элитарлик (саралик) намоён бўлади (Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. “Сангзор” нашриёти. 2006.–Б. 62.).

Бизнинг фикримизча, тил ва маданият ўртасидаги муносабат айнанлик (изоморфлик)дан кўра кўпроқ ҳамоморфлик, яъни структуравий ўхшашликдан иборат дейиш тўғрироқ бўлади.

Тил ва маданият ўртасидаги ўзаро алоқа, муносабат кўплаб олимларнинг тадқиқот объекти бўлиб келган (В.Гумбольдт, О.Есперсен, Е. М. Верещагин,

В.Г.Костомаров, Т.Д.Томахин, В.А.Маслова, С.Г.Тер-Минасова, В.Н.Телия, Д.Г.Мальцова).

А.Кребер ва К.Клакхонларнинг 1952 йилдаги маълумотларига кўра маданият атамасига берилган таъриф учозтага яқин бўлса, бутунга келиб бу рақамлар сони икки миңдан ошиб кетди.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, немисча «Kultur» ва русча «культура» атамаси латинча «culture» ва ўзбекча «маданият» атамалари бир хил тушунчани, яъни маънавий ҳаётда эришилган ютуқ, халқнинг қўлга киритган тараққиёти маъноларини билдиради.

Олимлар маданият тушунчасини турлича талқин қиладилар, бу борада уларнинг фикрлари, қарашлари хилма-хилдир. Улардан бирида, маданият- генетик бўлмай, у ҳар бир халқ томонидан барпо этилиши ва тарихий жараёнда ривожланиши, инсонлар ўз ҳаёти ва фаолияти жараёнида моддий ва маънавий маданиятларини ақл-заковатлари билан яратишлари айтиб ўтилади (Лихачев Д.С.). Баъзан маданиятга таълим-тарбия, хулқ-одоб нормаси сифатида қаралади (Сысоев П.В, Барышников Н.В, Борелли Ю.).

В.Панфилов ва Б.Малиновскийлар “маданият ва тил ўртасидаги боғлиқлик, алоқани маълум хулқ-одоб нормаларини билишда”- деб биладилар.

А.А.Леонтьев нутқ (тил)ни ижтимоий хулқ-одоб сифатида эмас, балки коммуникатив хулқ-одоб компоненти нуқтан назардан ўрганилса тўғри бўлади деб



хисоблайди. Психологнинг фикрича мулоқот жараёнида тил нутқнинг сўз иштирокисиз яъни нутқсиз воситаларнинг муқобили билан алмашиши мумкин (84.108.).

Бироқ, тил маданиятнинг бир шакли ҳам элементи ҳам эмас, “тил жамоатчилик фаолияти ҳосиласининг бир шакли эмас, тил тажриба ва билимлар асосида йирилган фикрни шакллантириш ва узатиш воситасидир. Усиз маданий ривожланиш бўлмайди”- деган фикрлар ҳам мавжуд [3:91].

Бу фикрга зид тарзда К.Клакхон, Б.Уорф, Б.Маликовский, А.Д.Швейцерлар “тил маданиятнинг бир элементи” деган гояни илгари сурадилар. Олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда шунини айтиш мумкинки, тил ва маданият, тарбия, ўқимишлиликгина инсонни ҳайвондан ажратиб туради.

Социолингвистлар турли халқлар ўртасидаги нутқий мулоқот жараёнига таъсир этадиган ижтимоий омилларни илмий томондан ўрғар эканлар, тил ва маданият халқдан ажралмаслигини агар, тил ва маданият халқдан ажралиб қолса йўқолиб кетиши, таназулга юз тутиши мумкинлигини эътироф этадилар [5:120].

Лингвомамлакатшунослик учун тилнинг учтаси муҳим саналади. Биринчидан, тил муомала воситаси, фикрларни ифодалаш қуроли бўлганлиги боис жамиятда коммуникатив жараённи бошқаради [42:11].

Иккинчидан, тил сирларга бойдир. У ахборот етказиш билан бир вақтда уни ўзида сақлаб қолади. Тилдаги мавжуд сирлар бу, инсонларнинг, миллатларнинг, халқларнинг сиридир. Тил тилсимини очиш орқали қўлаб янги билимлар эгалланади [7:64].

Учинчидан, тил нафақат инсоннинг маънавий маданиятини ривожлантиришга, шу билан бирга ишлаб чиқаришни яхшилашга, меҳнат фаолиятини ўсишга ҳам таъсир этади. Тил инсонларни ижтимоий муносабатлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Тил мулоқот воситаси ҳисобланади. Шу жиҳатларини оладиган бўлсак тил маънавий маданиятнинг асосидаги ҳодиса эканлиги кузатилади. Тил маданий мазмун касб этувчи, ахборотларни йиғувчи ва ўзида сақловчи (кумулятив) вазифани бажаради [Райхштейн А.Д. Лингвистика и страноведческий аспект в преподавании иностранного языка // ИЯШ, 1982, –№6. –С.14-15]. Ўқувчилар тили ўрганилаёт-

ган мамлакатлар маданияти, санъати, тарихи, адабиёти, урф-одати, анъаналаринидан хабардор бўлиши, халқ маданияти хазинаси сифатида тилнинг кумулятив вазифасидан воқиф бўлиш имконини беради.

Тилда миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, қадимги авлодларининг дунёқараши, жамиятга ва ўзларига бўлган муносабати ўз аксини топади. Тилда мақоллар, фразеологик бирликлар неча асрлардан бери сақланиб келинади. Коллеж ўқувчиларига немис тилида сўзлашишни ўргатилар экан, уларнинг тил сирларидан воқиф бўлиши она тили қобидан чиқшлари, маънавий маданиятларини бойитишлари учун ҳизмат қилади

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, лингвомамлактшунослик тилларни қиёслаш имконини беради ва унинг қуйидаги хусусиятлари чет тил ўқитиш учун муҳимдир саналади: (а) ўқувчиларни тили ўрганилаётган мамлакат(лар)нинг турмуш тарзи, миллий-маданияти билан таништириш; (б) тарихий ёдгорликлари, диққатга сазовар жойлари тўғрисида маълумот бериш; (в) тили ўрганилаётган мамлакат(лар)нинг нутқ маданияти, кундалик сўзлашув нутқи билан яқиндан танишиш.



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алефиренко Н. Ф. Поэтическая энергия слова: синергетика языка, сознания и культуры. – М.: Academia, 2002. – 391 с.
2. Воробьёв В. В. Линвокультурология: теория и методы. – М.: Изд-во РУДН, 1997. – 331 с.
3. Красных В. В. Этнопсихоллингвистика и линвокультурология: курс лекций. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2002. – 284 с.
4. Петров М. К. Язык, знак, культура. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. – 328 с.
5. Попова Т. Г. Национально-культурная семантика языка и когнитивно-социокоммуникативные аспекты (на материале английского, немецкого и русского языков): монография. – М.: Изд-во МГОУ «Нар. учитель», 2003. – 145 с.

**ХИЛВАТИЙ ИЖОДИДА АХЛОҚИЙ-ТАЪЛИМИЙ ШЕЪРЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ**

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна  
Наманган давлат университети  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
boltaboyevaodzodaxon@gmail.com

*Аннотация:* Мақолада Хилватий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Шоир шеъриятининг жанрлар ранг-баранглиги мисоллар асосида таҳлил этилган. Хусусан, шоир ижодидаги анъана ва ўзига хослик, мавзу ва гоյлар олами ёритилган. Хилватий ижодининг Наманган адабий муҳитида тутган ўрни баҳоланган. Шоир газалларида ёшларни илм-маърифатга, ҳаётни, Ватанни севишга чорлаб, сабр-қаноат ва одоб инсон зийнати экани алоҳида таъкидланади.

*Калит сўзлар:* жанр, вазн, анъана, ўзига хослик, мавзу, талқин, тасвир, маҳорат, мазмун ва шакл.

**МОРАЛЬНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ СТИХИ И ИХ ЖАНРОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ В ТВОРЧЕСТВЕ ХИЛВАТИ**

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна  
Наманганский государственный университет  
доктор философии по филологическим наукам (PhD)  
boltaboyevaodzodaxon@gmail.com

*Аннотация:* В данной статье даны сведения о жизни и творчестве Хилватий. Всесторонне проанализированы жанровые особенности в стихотворных произведениях поэта. Рассмотрено место творчества Хилватий в литературной среде Намангана. В лирических стихотворениях разъясняется как обучать молодых любить науку, образование, жизнь, Родину, кроме этого подчеркивается, что терпение и воспитание – украшение человека.

*Ключевые слова:* жанр, метрика, традиция, специфичность, тема, толкование, изображение, мастерство, форма и содержание.



58	<b>Farida Afro'z asarlarida dialektizmlar ekspressivlik ifodalovchi vosita sifatida</b> Хусанова М.А	289
59	<b>Америка адабиётида Фолкнер ижодининг ўрни</b> Жумаева Н	294
60	<b>Tilshunoslikda iboralar, maqollar, idiomaning farqlari va o'xshashliklari</b> Хатамова З. Г., Орипова К.Е	299
61	<b>Mark Tvenning "Tom Soyer sarguzashtlari" asarida ijtimoiy hayot tasvirlanishini</b> Nematova N.A	302
62	<b>Романтизмда табиат (Жейн Остин асарлари мисолида)</b> Мусаева Д.Т	307
63	<b>Expression of emotions by modal means</b> Muxammadieva N	311
64	<b>Градуонимик қатор ҳосил қилиш тамойиллари</b> Отабоева М.Р	317
65	<b>Realization of conceptual information within the language units <i>force, power, strength</i> in the english language</b> Ismatova N.M	322
66	<b>Ўзбек драматик асарларидаги айрим мурожаат шакллари лингвокултурологик хусусиятларига доир</b> Искандарова Ш.М, Икромова Г.А	327
67	<b>Yetuk adabiyotshunos olim</b> O'ljaboyev U, Yuldosheva U	331
68	<b>Тил ва маданият тушунчаларига илмий ёндашув</b> Убайдуллаев Ш.Н, Баходиров А	336
69	<b>Хилватий ижодида ахлоқий-гаълимий шеърлар ва уларнинг жанр хусусиятлари</b> Болтабоева О.Ю	339
70	<b>Тилшуносликда гапнинг прагматик мазмуни ва унинг контекстда ўзгариши</b> Холматова В.Н	345
71	<b>Инглиз тилида парентез бирликларнинг бадий матндаги структур- семантик хусусиятлари</b> Ибрагимова Г.М	351
72	<b>"Она" концепти доирасидаги тушунчалар талқини</b> Ибрагимова М.И, Иргашева Н.Д	354
73	<b>Синекдоха асосидаги иборалар</b> Қўчқарова О.А	359
74	<b>Жек Лондоннинг «мартин иден» романида бадий психологизм</b> Қобилова Н.С	363
75	<b>Ўзбек насрида Амир Темур образининг бадий ифодаси хусусида</b> Ғаниев М.А	368
76	<b>О синтаксической основе изучения морфологии языка</b> Саидова М.Ш	373